

Шундай зиёфатлар борки, у ерда инсонлар гўшти ейилади



17:00 / 21.04.2022 2339

Иймон инсон табиатини йўққа чиқармайди, аксинча уни тарбиялайди. Иймон инсоннинг ғаризаларини йўқотмайди, аксинча уларни тартибга солади. Ўғли ғарқ бўлаётганида Нуҳ алайҳиссаломдаги оталик туйғусини иймон олиб ташламаган эди. Нуҳ алайҳиссалом Аллоҳдан ўғлини қутқаришини сўраганида Аллоҳ уни бундан ман қилган эди. Шундан сўнг Нуҳ алайҳиссалом жим бўлган эди!

Жоҳилият даврида қаттиққўл ва шиддатли бўлган Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анху исломда ҳам ўшандай бўлиб қолди. Аммо ботилдаги шиддат ҳақдаги шиддатга айланганида бошқача бўлар экан. Иймоннинг буюклиги мана шундадир!

Инсоннинг иймони қанчалар юксалмасин инсонлик чегарасидан чиқиб кета олмайди. Аёл киши қанчалар иймонли бўлмасин, барибир эрини кундошидан рашк қилаверади. Бунинг иймонга алоқаси йўқ. Бу башариятнинг нафсига алоқадор. Аллоҳ бизни шунақа қилиб яратган!

Оиша онамиз розияллоҳу анҳо бир куни Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам билан ўтирганларида у кишига шундай деб қолдилар:

- Сафийянинг айблари кўп. Унинг бўйи пакана!

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам дедилар:

- Эй Оиша! Шунақанги гапларни гапирдинги, агар буни денгизга аралаштирганигда аралашиб кетар эди!

Яъни, сенинг бу гапларинг денгизни рангини ва ҳидини ҳам бузиб юборар эди, демоқчилар. Аслида Сафийя онамиз пакана аёл эдилар. Оиша онамиз у кишига бўҳтон қилмаяптилар. Аммо Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам буни оғир ғийбат деб ҳисоблаяптилар. Ғийбатнинг таърифи эса: «Биродарингни у ёқтирмайдиган нарса билан гапиришинг!», эди.

Бир киши Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламдан сўради:

- Эй Аллоҳнинг Расули! Агар мен айтаётган айблар биродаримда бўлсачи?

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам дедилар:

- Агар сен айтаётган нарсалар биродарингда бўлса бу ғийбат. Агар унда бўлмаса бу бўҳтон!

Инсонлар бировни ғийбат қилаётганида буни енгил ҳисоблаб, ғийбатларини ҳақиқат ҳам деб ўйлашади. Гўё ҳақиқат бизга инсонларнинг гўштини ейишга рухсат берадигандек!

Шунақа зиёфатлар борки, у ерда фақат инсонлар гўшти ейилади. Кўнгилни шушлаш учун, сафсатабозлик учун чайнашади!

Улардан фалончининг дини, пистончининг дунёси, бошқа бировнинг обрўси, ҳаёти ҳам қолмайди. Улар гўё одамларни кузатишни вазифа қилиб олишган. Одатда бунақаларни танқид қилмоқчи бўлсангиз қаердан бошлашни ҳам билмайсиз!

Бўҳтонни эса сўраб ўтирманг!

Қизни кига келган совчиларга қўшнилари томонидан қилинган бўҳтонлар сабаб қанча-қанча тузиладиган оилалар тузилмасдан қолган. Қиз бечоранинг аслида Юсуф алайҳиссаломни емаган бўри сингари ҳеч қандай айби бўлмаган!

Севимли машғулоти фақатгина одамларнинг ҳаёти ҳақида «фильм» яратиш бўлган баъзи кишиларнинг касофатидан қанча-қанча ризқлар кесилиб қолган!

Кўкси тор, қалби танг инсоннинг «фалончи фақир эмас» деган хабари сабабли садақа қилувчи бойлар қанча-қанча фақирларни садақадан маҳрум қилишган. Аслида ўша қалби тор инсон ўша фақирни фарзандларига нон кўтариб кетаётганини кўриб қолган, ёки қассобнинг олдида ёки кўкатлар сотадиган сотувчининг олдида бир мартагина кўриб қолган эди холос!

Бунақанги бўҳтончилар кишини тириклайин кўмишни иташади!

Абдулқодир Полвонов